



**КУН
НАФАССИ**

Президент «Саломатлик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги қонунни имзолади.
«Саломатлик» ордени икки даражадан иборат бўлади:
I даражали «Саломатлик» ордени;



II даражали «Саломатлик» ордени.



Давлатимиз раҳбарининг «Меҳр-саховат» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

«Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чеқди.



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва Тошлоқ тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида сабзавот етиштириш учун ихтисослашган кооперация ташкил этилди.



Андижон шаҳрида «Made in Uzbekistan» шиори остида савдо кўргазмаси ўтказилди.



Ўйда қолинг / мутолаа қилинг!

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 28 май • пайшанба • № 53 (4338)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

**Кун
хитмати**

**Эзгуликдан бир қалъа
барпо айлангким,
маҳкамликда анга ҳеч
нарса тенг бўлолмас.**

Жалолиддин Румий

ТУРИЗМ ВА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ СОҲАЛАРИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 май кuni туризм ва давлат активларини хусусийлаштириш соҳаларидаги лойиҳалар тақдими билан танишди.

Бугунги глобаллашув даврида мамлакатлар, одамлар узвий боғланган. Дунёнинг исталган ўлкаси бир қадамдек гап. Шу боис туризм энг катта соҳалардан бирига айланган. Мутахассислар туризمنى «туғамайдиган нефть» деб ҳам аташади. Айрим мамлакатлар иқтисодиёти тўлалигича сайёҳлик индустриясига қурилган.

Таҳлилларга кўра, одамлар самолётда учиб вақти 5 соатга бўлган ўлкаларга энг кўп саёҳат қилади. Мамлакатимиз атрофида бундай масофада 60 га яқин давлат, 3 миллиард аҳоли бор. Бу улкан туризм бозори дегани.

Аммо узок йиллар бу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланилмади. Қўлай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шароитлар бўлмагани сабабли ҳамма ўз ҳолича фаолият юритар эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мувофиқ сайёҳлик мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида белгиланди. Бир қатор мамлакатлар фуқароларига юртимизда 30 кунга визасиз бўлишга ружат берилди. Яна кўпларига виза ўзбеч тартиби соддалаштирилди.

2017 йилда Ўзбекистонга қарийб 2 миллион 700 минг сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 2019 йили бу кўрсаткич 6,7 миллионга етди. Ўзбекистон ўндан ортиқ нуфузли халқаро нашрларда энг жозибали туристик маскан сифатида эътироф этилди. «Шарқ тароналари» ва хунармандчилик фестиваллари, бахшичилик ва маком санъати анжуманлари каби халқаро тадбирлар орқали ҳам мамлакатимиз сайёҳлик саллоқинини тарғиб этиш мақсад қилинган.

Коронавирус пандемияси туризм соҳасига салбий таъсир кўрсатди. Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, 2020 йил якунлари бўйича халқаро саёҳатлар 89 фоизга, иш ўринлари 74 миллионга қисқаради.

риши, соҳадаги жами йўқотишлар 800 миллиард долларни ташкил этиши кутилмоқда. Маълумки, жорий йил 16 мартдан мамлакатимиз ташқи ва ички сайёҳлар учун ёпишган эди. Оқибатда 1,5 мингдан ортиқ турсоператор, 1,2 мингта меҳмонхона ўз фаолиятини тўхтатди.

Бу гидлар, миллий хунармандчилик, зёратгоҳ ва сўхатгоҳлар, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқалар билан қўшиб ҳисоблаганда 250 мингдан ортиқ аҳоли даромадига жиддий таъсир қилди.

Пандемиянинг оқибатларини юмшатиш мақсадида бу соҳага ҳам қатор энгилликлар берилди. Жумладан, 1 минг 750 та субъектга мол-мулк, ер ва ижтимоий соҳалардан 60 миллиард сўмга яқин имтиёз тақдим этилди. Лекин бу имтиёз ва преференциялар вақтинчалик. Доимий барқарор ривожланиш учун эса пандемия шароитида ишлашга ўрганиш зарур.

Шу боис бу борадаги хорижий тажриба ўрганилди. Хусусан, «Uzbekistan. Safe travel guaranteed» («Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган») бренди остида сайёҳлар учун санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарига ушбу лойиҳа тақдимот қилинди. Шунингдек, мамлакатимизда ички туризمنى тиклаш ва ривожлантириш борасидаги режалар билан танишди.

Президентимиз биринчи босқичда «яшил» ҳудудлар ўртасида ички туризмга ружат бериш зарурлигини таъкидлади. Тоғли жойлар ва кўл бўйларига энгил конструкцияли дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди. Ҳокимлар билан биргаликда кўчма дам олиш масканлари дислокацияси таъкидланди, электрон порталга жойлаштирилди.

Иккинчи босқичда коронавирус касаллиги жилволланган давлатлар рўйхатини шакллантириб, улар билан туризм алоқаларини босқичма-босқич тиклаш кераклиги таъкидланди.

– Туризм фаолиятини қайта тиклаш учун, энг аввало, меҳмонхоналар қандай ишлайди, сайёҳлар аэропортда қандай қабул қилинади, уларнинг мамлакат ичида ҳаракатланиши қандай ташкил этилади, деган саволларга аниқ жавоб бўлиши керак. Белгиланадиган меъёрлар содда, лекин касалликнинг олдини олиш учун етарли бўлиши лозим. Мисол учун, битта ҳолат аниқланса, бутун меҳмонхонани карантинга олишга зарурат бўлмайдиган тизим ишлаб чиқиш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Туризм йўналишида тадбиркорлар кўрган зарарини яқин 1-2 йил ичида тўлиқ қоплаш қийин. Шу боис Президентимиз бу соҳага қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш лозимлигини таъкидлади.

Хусусан, туристик йўналишдан овоз қилиш бўйича аввал берилган имтиёз йил якунига қадар узайтирилади. Шунингдек, соҳа корхоналари фойда солиғини ҳисоблашда 2020-2021 йилдаги кўрган зарарларини кейинги йиллар фойдасидан чегириб ташлашга ружат берилди.

Меҳмонхоналарга кўрсатган хизматининг 10 фоизи миқдоридан субсидия ажратилади. Бундан ташқари, уларга айланма маблағ учун кредит фоиз тўловларининг 10 фоизгача бўлган қисмига субсидия берилди.

Рақобат – иқтисодиётнинг муҳим асосларидан бири. У маҳсулот ва хизматларда сифатни таъминлаб, аҳолига танлов имкониятини яратди. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш ва монополияга қарши курашиш бўйича кўрилатган чоралардан мақсад ана шу.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига ҳамда унга мувофиқ 2019 йил 14 январда қабул қилинган «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тўздан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонида бу борада аниқ вазифалар белгиланган эди. Бугунги кунда мамлакатимизда 2 минг

965 та давлат иштирокидаги корхона мавжуд. Уларнинг аксарияти эски усулда, самарасиз ишламоқда. Ушбу корхоналарнинг яримдан кўпи ҳатто дивиденд тўлаш имконига эга эмас.

2019 йил 11 декабрь кuni Президент ҳузурида ўтказилган йиғилишда ушбу корхоналарни бозор принциплари асосида ислоҳ қилиш, хусусий инвесторларга сотиш бўйича топшириқлар берилган эди. Шундан келиб чиқиб, республика бўйича ялпи хатлов ўтказилди.

Йил бошидан бери 299 та давлат активлари 348 миллиард сўмга сотилди. Янги инвесторлар ушбу объектларга жами 3,3 триллион сўм инвестиция киритиб, 4 минг 700 нафар янги иш ўринлари яратиш мажбуриятини олган.

Хусусан, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, «Самарқандкимё» корхонаси, Қўнғирот сода заводидаги давлат ва ҳўжалик жамиятлари улуси сотилди. Бу объектларга 425 миллион доллар инвестиция киритилиб, 800 та янги иш ўрни яратилди.

Тақдимотда давлат активларини хусусийлаштириш, бўш турган объектлар ва ер майдонларини аниқлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқаруви жорий этишга доир режалар ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз соҳадаги ишларни давом эттириб, яна 1 минг 400 га яқин давлат активларини хусусий инвесторларга беришни тезлаштириш зарурлигини таъкидлади. Вазирлар Маҳкамасига хусусийлаштириш дастурини тасдиқлаш вазифаси қўйилди.

Давлат активларини бошқариш агентлига тармоқ раҳбарлари билан бирга самарасиз ишлаётган 711 та корхонани туғатиш, 262 та корхонани қайта ташкил этиш, шунингдек, 500 дан зиёд бозорларни хусусийлаштириш бўйича топшириқ берилди. Давлат ихтиёрида сақлаб қолинадиган корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш бўйича янги тизим жорий этиш муҳимлиги қайд этилди.

Адолат ва Адоват

**тарозининг қайси
палласи кўпроқ тош
босмоқда?**



Афтидан, мактабда амалга оширилган ишлардан кўра, амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар кўпроққа ўхшайди. Ҳар ҳолда, она тили ва адабиёти фани ўқитувчисининг ўқувчилардан кунлик жарима ундириши Г.Тўйчиеванинг «Коррупцияга барҳам бердим!» деган гапларини шубҳа остига қўймоқда.

ЎЗА

4-саҳифада ўқинг...

Келгуси сонларда ўқинг:

Айтсам тилим куяди, айтмасам...


Халқ таълими
вазирига
ОЧИҚ ХАТ



«CALL-CENTER»:

ҲАР БИР ҚўНҒИРОҚ Ортида ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Хотин-қизларнинг муаммоларини эшитиш, жойида ўрганиш ва ҳал этиш учун ҳудудларда мунтазам ишлаб турган 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони» бугун кўпчиликнинг ишончини оқламоқда.



Кимга дўст: халққами ёки ...?

Президентнинг шу йил 4 апрелдаги қарори билан шу йил 1 майдан бошлаб АИ-80 маркали бензин ва дизель ёнилғисининг чакана нархлари давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинди. Бу ўз самарасини бериб, Ўзбекистон тарихида илк бор бензин нархлари пасайиши кузатилди. Ҳамма бу ҳолатдан хурсанд эди. Негадир хурсандчилигимиз узоққа чўзиладиганга ўхшамайди. Сабаби «Ўзбекнефтьгаз» бензин импортига акция ставкасини 4 бараварга, яъни 5 фоиздан 20 фоизгача оширишни тақлиф қилмоқда. Бу эса яна нархларни ўз ҳолига солиб қўяди. Агар кескин кўтарилиб кетмаса...

«Ўзбекнефтьгаз» АЖ бошқаруви раиси ўринбосари жаноб Улуғбек Ашуров халқ норозилигига сабаб бўлаётган ушбу масала бўйича баёнот берибдилар. Бу чора «импорт харажатларини камайтириш йўли орқали республика истеъмолчиларини мақбул нархлардаги нефть маҳсулотлари билан таъминлаш» ва «республика ҳудудида нефть маҳсу-

лотлари ишлаб чиқаришни жадаллаштириш» вазифалари билан изоҳланган. Бошқа баҳона йўқмиди?

Ёнилғи қуйиш шохобчаларида навбатлар кўпайиб кетса, нарх оширилса, «Ўзбекнефтьгаз» АЖ қуйидаги мазмунда изоҳ беради: «Биласиз юртимизга бензин ва дизель ёнилғи маҳсулотларининг аксарияти импорт ҳисобига тўғри келади. Шу боис жаҳон бозоридан нефть нархи бунақа бўлиб кетди, шунга оширишга мажбур бўлдик» дерди.

Энди-чи? Импорт маҳсулотларига акция солиқларини ошириш бензин ва дизель ёнилғисини нархлари янада кўтарилишига олиб келмайди? Маҳсулот тақчиллиги кузатилмайди?

«Ўзбекнефтьгаз» АЖ аҳолига қўлайлик яратиш ўрнига доим мушкул олиб келган. Буниси энди ошиб тушяпти. Яна халқ қийналади, яна халқ азобда. Халқ тили билан айтганда, бу компания халққа ошнами ёки айикқа?

Жамшид ШЕРМЕТОВ

МЕҲНАТ МўЪЖИЗАСИ ёхуд кимёгарлар туҳфаси



Мавжуда ХАЛИЛОВА,
Кимё ва фармацевтика sanoati
ходимлари касба уюшмаси
Республика кенгаши раиси

Лотин Америкаси ёзувчиси Пабло Козлонинг «Алкимёгар» асарига қадрамон чўпон бола Сантьяго оддий металл олтинга айлантириш мумкинлигига ишониб, шу мақсадда дунё кезади. Кимёнинг буюқ кашфиётларидан хабардор бўлади. У-ку, орзу-гасари эришди – дунё қалбини англади. ...Аммо олтин яратиш усули яна сир бўлиб қолди. Ҳар гал «Алкимёгар» асарини қўлга олганимда шу ҳақда ўйлайман. Албатта, бу асар фалсафий сюжетга қурилган. Лекин инсониятни ҳар доим олтинни яратиш мумкинлиги ёки илоҳизлиги қизиқтириб келгани ҳақиқат.

Аслида олтин қундалик турмушимизда зарур эмас. Аммо азалдан бойлик шу билан ўлчаниб келган бўлса, биз не ҳам дердик.

Назаримда, бугунги кимёгарлар бунинг улдасидан чиқишган. Яъни улар ҳаётни энгиллаштирувчи, тараққиётни жадаллаштирувчи қўлаб «олтин»ларни яратишди.

«Call-center»: ҲАР БИР ҚЎНҒИРОҚ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Хотин-қизларнинг муаммоларини эшитиш, жойида ўрганиш ва ҳал этиш учун ҳудудларда мунтазам ишлаб турган 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони» бугун кўпчиликнинг ишончини оқламоқда.

Келиб тушаётган мурожаатлар ўрганилаётганда, ҳар бир қилинган қўнғироқ ортида бир инсон тақдири борлиги, ҳақиқатан муҳтожлиги, етишмовчилиги, рўзгорининг кам-кўсти сабабли минг бир истиҳола билан хотин-қизларимиз шу рақамларни теришаётганини осонгина англаб етасиз.



Наманган туманида истиқомат қилувчи Гулчехра Ҳамдамованинг «Ишонч телефони»га мурожаатидан маълум бўлдики, у ўзи билан бирга 13 нафар аёл ишлаётган жойидан ўтган йилги маошларини ололмаётгани, бу ҳақда иш берувчига бир неча марта ёзган билдиргилари эътиборсиз қолаётганидан сўнг «Call-center»га қўнғироқ қилган. Ушбу ариза Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг юридик бўлими мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Кам таъминланганлар рўйхатида турувчи бу аёлнинг ҳақиқатан уй-жойга эҳтиёжи бор. Унинг «Ишонч телефони»га қилган мурожаати мутасаддилар томонидан ўрганилиб, оиласи учун олти ойлик моддий ёрдам пули берилди ҳамда шу ҳудуддан уй-жой қурилиши учун қурилиш ашёларига маблағ ажратилди.

– Ўз ўрнида иш берувчи томонга мазкур қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш лозимлиги тушунтирилди ва натижада ариза муаллифларининг мурожаатлари ижобий ҳал қилиниб, иш ҳақларини ундиришга эришилди, – дейди бирлашма юристи Баҳром Раҳимбердиев.

Наманган шаҳри «Меҳнат



Наманган вилояти



МЕҲНАТ МУЪЖИЗАСИ ёхуд кимёгарлар тўғрисида

1 | ИСТИҚБОЛЛИ СОҶА

Кимё саноати юқори экспорт салоҳиятига эга бўлиб, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодийнинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Соҳани изчил ривожлантириш, мавжуд қувват ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш, экспортбола маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тармоқ корхоналарида минерал ўғитлар, сунъий тола, полимер материаллар, энергетика, кимё, тоғ-кон саноати учун зарур бўлган кимёвий реагентлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, дефолиантлар, пахта экишда қўлланадиган «пленка»лар ишлаб чиқарилмоқда. Бунда жаҳон бозоридан минерал ўғитларга бўлган талабни инобатга олган ҳолда, мамлакатимиздаги мавжуд хомашё ресурсларига жиддий аҳамият қаратилмоқда.

«Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарида бугунги кунда 170 турдан ортиқ кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётгани, ички ва ташқи талабнинг ортиши Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридидаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

«Навоийазот», «Максам-Чирчиқ», «Фаргонаазот», «Аммофос-Максам» АЖлари ҳамда «Кўнғирот сода заводи», «Дехқонобод калий заводи» МЧЖлари ўнлаб турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариб, Хитой, Россия, Эрон, Туркия, Япония, Қозоғистон, Туркманистон ва бошқа мамлакатларга экспорт қилаётгани ҳам сўзимизнинг исботидир.

Ҳозирда ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш, йирик инновацион лойиҳалар асосида корхоналар таркибида замонавий ишлаб чиқариш мажмуаларини барпо этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

«Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарида бугунги кунда 170 турдан ортиқ кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётгани, ички ва ташқи талабнинг ортиши Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридидаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

«Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарида бугунги кунда 170 турдан ортиқ кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётгани, ички ва ташқи талабнинг ортиши Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридидаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

«Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарида бугунги кунда 170 турдан ортиқ кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётгани, ички ва ташқи талабнинг ортиши Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридидаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

лот ишлаб чиқарадиган йирик саноат корхонаси ҳисобланган «Navoiyazot» АЖни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида унга йирик инвестицион лойиҳа режалаштирилган.

Биринчи лойиҳа – поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш бўлиб, унинг умумий қиймати қарийб 1 миллиард долларга тенг. Лойиҳа амалга ошса, йилга 660 минг тонна аммиак ва 580 минг тоннадан ортиқ карбамид олиш имконияти яратилади, шунингдек, 500 га яқин янги иш ўрни пайдо бўлади. Уни жорий йилда ишга тушириш ва йилга 136 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш кўзда тутилган.

Япониянинг «Mitsubishi Heavy Industries» ва «Mitsubishi Corporation» компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда қурилаётган янги корхонада замонавий технологиялар қўлланиши эвазига йилга 735 миллион долларлик соат электр энергияси тежалади, атмосферага чиқаётган карбонат ангидрид газини микродори ҳам камайд.

«Navoiyazot» АЖда қурилаётган яна бир йирик корхона – азот кислотаси ишлаб чиқариш мажмуасидир. Унинг умумий қиймати 217 миллион долларга тенг бўлиб, ушбу объект Швейцариянинг «CASALE SA» компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилмоқда.

Корхона йилига 500 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлади. У келгуси ойда ишга туширилиб, июль ойида биринчи маҳсулотни ишлаб чиқара бошлайди. Ҳозирги кунда ускуна ва жиҳозлар ўрнатилиб, қурилиш-монтаж ишлари якунланмоқда.

Шу тариқа 55 йил олдин қурилган, ҳар томонлама эскирилган азот кислотаси цехлари фойдаланишдан чиқарилади. Энг муҳими, 1 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун электр энергияси сарфи 18 баробар камайд, ҳавони ифлослантирадиган 150 минг тонна заҳарли газлар тутиб қолинади.

Бу омил Навоий вилояти экологияси, ҳавонинг мусоффолиги ва аҳоли саломатлиги учун фояда муҳим аҳамиятга эга. Айтиш жоизки, дунёда бу турдаги заводлар фақат Франция ва Чехияда мавжуд.

Янги корхонада йилга 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотларга автомобилсозлик, тўқимачилик, металлургия, кимё, нефтьгаз тармоқлари, электр техникаси ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида талаб юқори. Улар шу пайтгача катта миқдордаги валюта эвазига импорт қилинар эди. Айниқса, кичик бизнес субъектлари бу масалада жуда қийналарди.

Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси юртимиз корхоналарини зарур хомашё билан таъминлайди. Корхонада ҳар йили 40 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш ва 900 тадан зиёд иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Лойиҳа Хитойнинг «China CAMC Engineering Co., LTD» ва «HQ Shanghai Company» компаниялар консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Сўзимиз аввалда «Алкимёгар»ни бежизга эсламадик. Ушбу соҳа вакилларининг захматли меҳнати, интилиши ва матонати кимё соҳасини ривожлантириш ва бу орқали қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат корхоналари учун ҳам бирдек зарур бўлган маҳсулотлар етказиб беришда катта аҳамиятга эга.

Тармоқ тизимидаги корхоналарда ишлаб келаётган фидойи инсонлар меҳнати давлатимизнинг доимий эътиборида. Бунга ҳар йили май ойининг охирига ҳафтада кенг нишонланадиган «Кимёгарлар кунин» мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Санаб ўтилган йирик лойиҳалар кимё саноати ходимлари қисм байрамини янги ютуқ ва марралар билан қутиб олишаётганидан далолатдир.

«Хумо» болалар оромгоҳида яшаб келади. Кам таъминланганлар рўйхатида турувчи бу аёлнинг ҳақиқатан уй-жойга эҳтиёжи бор. Унинг «Ишонч телефони»га қилган мурожаати мутасаддилар томонидан ўрганилиб, оиласи учун олти ойлик моддий ёрдам пули берилди ҳамда шу ҳудуддан уй-жой қурилиши учун қурилиш ашёларига маблағ ажратилди.

Юқоридаги хайрли ишлар тўғрисида кўп гапириш мумкин, аммо 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони»га бўлаётган мурожаатларга айрим мутасаддилар эътиборсиз қарамаётгани дилни хира қилиши, табиий. Қачонки, шу халқнинг ташвиши меннинг ташвишим, уларнинг муаммоси меннинг ҳам муаммом, дея ҳаммага бир «кўз» билан қарай олганганимиз халқ дардини айта олади, ана шундай инсонлар борлиги сабаб ҳам одамларнинг давлатга ишончи ортади.

Айниқса, шу синовли кунларда опаларимиз, сингилларимиз мурожаатларига кўпроқ эътиборли бўлиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, илнж билан қилаётган қўнғироқларига «лаббай», дея жавоб бериш ҳар қачонгидан ҳам муҳимлигини унутмаслигимиз керак.

Уйчилик Малика. Эшматова ҳам икки нафар фарзанди билан шу кунга қадар «Гулбоғ» МФИда жойлашган

Орагул РУСТАМОВА, «ISHONCH»

Фаолиятга назар

ўқитувчилари Ҳасан Йўлдошев, Ихтиёр Аллаев, 4-давлат мактабгача таълим ташкилоти ходимаси Мусаллам Болтаеванинг ўз вақтида ололмаган, иш берувчиларнинг ҳақ-толиклари билан кам берилган иш ҳақлари ундирилган бўлса, 1-МТТ ишчиси Дилсўз Ражабова, 48-мактаб ўқитувчиси Жўраҳон Гулбоева иш билан таъминланиш, меҳнат ҳақларини ҳисоблаш тартиблари бўйича ҳуқуқий кўмак берилди.

Туман кенгашининг «Ишонч телефони»га мурожаат қилган 40 нафарга яқин ходим турли мавзуларга оид ҳуқуқий маслаҳат олишди.

Бинобарин, ҳозирги синовли кунларда ходимларнинг сунъичи, таъбир жоиз бўлса, энг яқин елкадошига айланмоғимиз зарурликларини яна бир бор қалбан ҳис қилмоқдамиз.

Эшпарда НИЁЗОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ҳузур тумани кенгаши раиси

Коронавирус пандемияси даври барча соҳалар ходимлари каби таълим ходимларини ҳам синовдан ўтказмоқда. Шундай долзарб паллада бир зум ҳам ходимларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини ёддан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

Ходимларга елкадош бўлиб...

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ҳузур тумани кенгаши апрель ва май ойларида кам таъминланган, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 120 та оилага моддий ёрдам кўрсатди. Рамазон ҳайити муносабати билан 50 та оилага озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди, 50 нафар ижтимоий

ҳимояга муҳтож оила фарзандига бадий китоблар тарқатилди.

Пандемия даврида ходимларнинг меҳнат муносабатларида бузилган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш ҳақларининг тўланиши ва бошқа ҳуқуқий масалаларга доир ариза ҳамда шикоятларини ўз вақтида ўрганишга эътибор қаратилди. Хусусан, тумандаги 17-умумтаълим мактаби



Шаҳрисабз, Нишон, Миришкор ва Косон тумани ҳудудларида чигирткаларга қарши кимёвий ишловлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ҳузур туманининг «Пачкамар» МЧЖ ҳудудига қарашли Омонота, Қорақўз, Қорайли, Чучук, Кумбей Утари ҳудуди, Тугал, Абдалтешик яйловлари, бундан ташқари, Батож, Халқобод, Истиклал, Туркманистон билан чегарадош Тахам ва Жанқара кенгликларидан 26658 гектар майдондаги чигиртка-

вий дорилар етарли. Кимёвий ишлов бериш жараёнида 200 нафар ходим жалб этилган бўлиб, улар барча зарур ҳимоя кийимлари ва ниқоблари билан таъминланган. Ишчиларга сут-қатиқ маҳсулотлари бериб борилаётди. Вилоят ҳокимлиги, прокуратура, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, фавқулодда вазиятлар бошқармалари ишимизга яқиндан ишлов амалга оширилган эди.

– Қишлоқ хўжалик экинлари, жум-

боғот, Янгиариқ, Ҳазорасп, Қўшқўпир, Хива, Шовот туманларидаги саксовул ўрмонларини чигирткалар ҳужумидан ҳимоя қилиш бўйича ўрганиш ўтказимиз ва шу асосда аниқ, тизимли ишларни амалга оширамиз. Ўтган йили 4000 гектар майдонда кузатув ишлари ўтказилди, 3000 гектардан зиёд майдонда тарқалган саксовул чигирткасига қарши кимёвий ишлов амалга оширилган эди.

Бу йил қишдаги ўрганишларимиз

Миш-мишлар ортидан...

маҳсус тактик ўқув машқи ўтказилди. Машқлар давомида ўтган йилги куз ва қиш ойларида чигирткалар билан зарарланган майдонларни ўрганиш юзасидан ўтказилган таҳлил натижалари ва жорий йил учун қилинган башорат муҳокама қилинди. Зарарли чигирткаларга қарши кимёвий курашга жалб этиладиган куч ва воситалар, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, зарарланган майдонларни белгилаш ва бошқа тадбирлар бўйича амалий машғулотлар ўтказилди.

Жорий йилда вилоят бўйича 2800 гектар майдонда чигирткага қарши курашиш ишлари ўтказилиши зарурлиги башорат қилинган бўлиб, ҳозирда Тупроққалъа туманида «ОВХ-600» русумли тракторлар, сув ташини мосламалари ва бошқа техника воситалар ёрдамида кимёвий ишловлар ўтказилмоқда. Чигирткалар уруғ қўйган ўчоқлар қисқа фурсатда тўлиқ зарарсизлантирилади. Бунинг учун кимёвий воситалар, дизел ёқилғиси етарли. Ишчи-ходимларимиз карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда суспензиялаш ишларини жадаллик билан бажаришмоқда. Демак, ваҳима қилишга асос йўқ. Биз чигирткаларнинг қанот чиқариб, воёга етишига йўл қўймаймиз.

«Ishonch» мухбирлари
хабарлари асосида
тайёрланди.

«Энди чигиртка балоси борми?» аслида эса ваҳимага ўрин йўқ дейишмоқда мутасаддилар

Ижтимоий тармоқларда Турманистондан юртимизга, хусусан, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига чигиртка тўдаси ёпирилиб келаётгани ва улар экинларга зиён етказиб қолгани ҳақида хабарлар тарқалмоқда. Айниқса, Қашқадарё вилоятида бу миш-мишлар урчингандан-урчимокда.

Бу гаплар қанчалик ҳақиқатга яқин? Аҳолининг ташвишлинишига асос борми?

Шу саволларга жавоб истаб, «Ўзагрокимёхимия» акциядорлик жамиятига қарашли Чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизмати Қашқадарё ви-

лояти филиали раҳбариятига мурожаат қилдик.

– Ҳозирча ташвишлинишга асос йўқ, – дейди филиал бошлиғи Ҳайрат Жўраев. – «Туркманистондан юртимизга чигирткалар ёпирилиб келди» деган хабарлар лар асоссиз. Айни вақтда ҳудудлардаги мавжуд чигирткалар баҳор фаслида ўтган йилги уруғлардан очиб чиққан бўлиб, уларга қарши ишлов берилмоқда. Жорий йилда Қашқадарё вилоятида 140 минг гектар майдонга кимёвий ишлов ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, шу кеча-кундузда Ҳузур, Дехқонобод, Қамаша, Яқабоб, Кито, Чироқчи,

лар йўқ қилинди. Умуман, вилоят микёсида олганда, 72067 гектар майдон чигирткалардан зарарсизлантирилди.

Ишлов беришга «ОВХ-600» русумли пуркагичли тракторлар, «УАЗ микронайр» автомашиналари, моторли аппаратлар, мотоделтапланлар, сув ташувчи техникалар жалб этилган. Шунингдек, қўл билан пуркагич аппаратларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Ҳудудларда чигирткаларнинг қишлоқ хўжалиги экинларига, хусусан, пахта ва ғалла майдонларига зарар етказилишига йўл қўйилмади. Ишчи кучи, зарур кимё-

ладан яйлов ўсимликлари зараркундаларига қарши экологик хавфсиз чоратadbирлар ишлаб чиқилган. Хоразм вилояти ҳудудда чигирткаларнинг асосан букри саксовул тури учрайди, – дейди Чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизмати Хоразм вилояти филиали раҳбари Комилжон Иброҳимов. – Бугунги кунда мамлакатимизда саксовулзорларга катта эътибор қаратилмоқда. Биз ҳар йили ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти Чигирткаларни ўрганиш лабораторияси олимлари билан ҳамкорликда

асосида Тупроққалъа тумани ҳудудидидаги саксовулзорларда букри саксовул чигирткаси уруғлари борлиги аниқланди. Маълумки, Хоразм вилоятида саксовул чигирткаларига қарши кураш тадбирлари ҳар йили май ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошланади. Ушбу тадбирларни бошлашдан олдин Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ушбу туманда зарарли чигирткаларга қарши курашишда тегишли идораларнинг ҳамкорлигидеги ҳаракатлари тўғрисида

КОРОНАВИРУСДАН КИМНИНГ ҚАДДИ БУЖИЛАДИ?

Халқаро ҳаёт



Халқаро саҳнада коронавирус-айбдорларини топиш, уни жазога тортиш борасидаги қаҳриқлар авжида чиқди. Айниқса, бу даҳанаки жанглр Фарб давлатлари, АҚШ ва Хитой ўртасида қизғин борапти. Томонлар деярли «совуқ уруш» ёқасига келиб қолди.

«Қассобга ёғ қайғуси, эчкига жон қайғуси» деганларидек, ривожланган давлатлар иқтисодиёти жуда катта талафот кўрган, АҚШда ишсизлар сони 40 миллиондан, Хитойда 70 миллиондан ошгани сабабли ҳозир Фарб дунёси ҳам, Хитой ҳам дарғазаб. Гап шундаки, Хитой провинцияларидаги амалдорлар коронавирус бошланган кезларда жуда кўп рақамларни яшириб, марказга рўйи рост статистикани беришмаган. Натихада Фарб янги коронавируснинг хавф миқёсига етарли эътибор қаратмай, катта талафотларга учради.

Айни тортишувлар соясида Хитой Ташқи ишлар вазирлиги АҚШни коронавирус ҳақида «фитна назариялари ва ёлгонларни» тарқатишда айблаб чиқди. Хитойнинг юқори лавозимли вакилининг фикрича, Америка айни амаллари билан икки мамлакат ўртасида зиддиятларни авж олдирмоқда. Хитой Ташқи ишлар вазири Ван И сўзларига кўра, Америка «сиёсий вирус»га чалинган. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар коронавирус туйғулари яна ҳам таранглашгани кузатишмоқда.

Хитойнинг давлат бошқаруви бир вақтлар соя ортида эди. Бироқ пандемия бу мамлакатнинг оғзи ботир дипломатларига имконият яратди. АҚШ собиқ Давлат котиби Генри Киссенжер бир вақтлар «Хитойнинг дипломатияси шунчалик нозик ва тушунарсизки, Вашингтонда бизнинг бошимизни гаранг қилиб қўйди», деб ёзган эди. Ушанда Фарб ҳукуматлари Хитойнинг политбюросидан чиқаётган ноаниқ ишоралар мазмунини англаш учун хитой-шуносларни ёллар эди. Дэн Сюпин раҳбарлигида мамлакат «ўз қобилиятини яшириш ва қўлай вақтни кутиш» стратегиясини эълон қилган эди. Аммо энди у давр ўтди.

Хитой ижтимоий тармоқлар дунёсига гапга чечан дипломатларини сафарбар эта бошлади. Уларнинг вазифаси Хитойнинг корона-вирус пандемиясига нисбатан қўлаётган чораларини ҳимоя қилиб чиқиш ва Пекиннинг воқеалар ривожини қандай талқин этаётганини саволга тутганларга қарши туришди. Улар дунё бўйлаб ўз элчихоналаридан туриб, ўжар твитлар ва постлар ёмғирини ёғдирмоқда. Бунда ҳам пичинг, ҳам тажовузкорликдан тенг миқдорда фойдаланмоқдалар. Айни номдаги жангари фильмлар машҳурликка эришиши ортидан бундай усуллардан фойдаланганидан дипломатлар «жангчи бўри» дея аталмоқда. Хитой махсус кучларининг Америка етакчилигидаги ёлланма жангариларга қарши кураши ҳикоя қилинадиган «Жангчи бўри» (Wolf Warrior) ва «Жангчи бўри 2» (Wolf Warrior 2) фильмлари машҳур бўлиб кетди. Бу фильм қаҳрамонлари ўта кутурган ва миллатчи кўринишидадир.

Хитой ижтимоий тармоқлар дунёсига гапга чечан дипломатларини сафарбар эта бошлади. Уларнинг вазифаси Хитойнинг корона-вирус пандемиясига нисбатан қўлаётган чораларини ҳимоя қилиб чиқиш ва Пекиннинг воқеалар ривожини қандай талқин этаётганини саволга тутганларга қарши туришди. Улар дунё бўйлаб ўз элчихоналаридан туриб, ўжар твитлар ва постлар ёмғирини ёғдирмоқда. Бунда ҳам пичинг, ҳам тажовузкорликдан тенг миқдорда фойдаланмоқдалар. Айни номдаги жангари фильмлар машҳурликка эришиши ортидан бундай усуллардан фойдаланганидан дипломатлар «жангчи бўри» дея аталмоқда. Хитой махсус кучларининг Америка етакчилигидаги ёлланма жангариларга қарши кураши ҳикоя қилинадиган «Жангчи бўри» (Wolf Warrior) ва «Жангчи бўри 2» (Wolf Warrior 2) фильмлари машҳур бўлиб кетди. Бу фильм қаҳрамонлари ўта кутурган ва миллатчи кўринишидадир.

ХИТОЙ ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ДУНЁСИГА ГАПГА ЧЕЧАН ДИПЛОМАТЛАРИНИ САФАРБАР ЭТА БОШЛАДИ. УЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ ХИТОЙНИНГ КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИГА НИСБАТАН ҚўЛАЁТГАН ЧОРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ ЧИҚИШ ВА ПЕКИННИНГ ВОҚЕАЛАР РИВОЖИНИ ҚАНДАЙ ТАЛҚИН ЭТАЁТГАНИНИ САВОЛГА TUTTANLARGA ҚАРШИ ТУРИШДИР. УЛАР ДУНЁ БўЙЛАБ ўз элчихоналаридан туриб, ўжар твитлар ва постлар ёмғирини ёғдирмоқда.

Фильмлар рекламасида асосий қаҳрамонлардан бири ўрта бармоғини кўрсатиб турганини кўриш ва ушбу широри ўқиш мумкин: «Кимда ким Хитойни хафа қилса, қарда бўлмасин, йўқ қилиниши шарт». Хитой Ташқи ишлар вазирлигининг ёш расмий вакили Ли Жан Жао ана шундай асосий «жангчи бўри»лардан биридир. Айнан у АҚШ корона-вирусни Уханга олиб келган бўлиши мумкин, деган асосиз фаразни ўртага ташлаган эди. Twitter'да уни 600

мингдан зиёд фойдаланувчи кузатиб боради ва у деярли ҳар соатда тажовузкор твитлар ёзиб, ўз обуначиларининг миясини ювади. Албатта, ўз мамлақати манфаатларини илгари суриш дипломатларнинг вазифасидир. Бироқ мазкур касб соҳибларнинг жуда камчилиги қисми дипломатларга хос бўлмаган бундай мулоқот усулидан фойдаланади.

Ҳиндистондаги Хитой элчихонаси Пекин вирусни тарқатганлик учун тоvon тўлаши зарур, деган қаҳриқларни «аҳмоқгарчилик ва кўзни қамаштирадиган даражадаги тугуркисизлик» дея баҳолади. Хитойнинг Нидерландиядаги элчиси эса президент Доналд Трампни «ирқчи бўлиш»да айблаб чиқди. German Marshall Fund таҳлил марказига кўра, ўтган йил давомида Хитой ҳукуматига тегишли расмий Twitter акаунтларидаги фойдаланувчи 300 фоизга ортган. Постлар эса тўрт баробарга кўпайган. Марказ тадқиқотчиси Кристин Берзина бу жуда ноодатий ҳолат эканини билдиради. «Ўтмишда Хитой ўзининг ижобий имижини кўрсатишга интилар эди. Дўстлик тарғиб этар эди. Ҳукуматнинг бундай кўпол муносабатидан кўра ёқимтой пандалар видеоларини учратиб оdatий ҳол эди. Бу, чинданда, жуда катта ўзгариш», дейди Берзина. Бироқ бундай илтифотга асосланган дипломатия «жангчи бўрилар» тажовузкорлиги сояси ортида қолиб кетмоқда.

Австралия ҳукумати корона-вируснинг тарқалиши юзасидан мустақил халқаро текширув ўтказилиши ғоясини қўллаб-қувватлаганда, Хитойнинг бу мамлакатдаги элчиси ўз мезбонлари билан шиддатли низога борди ва Пекин Австралия товарларини бойкот қилиши мумкинлигига ишора қилди. Австралия вазирлари элчини «иқтисодий зуравонлик» таҳдидида айблаб чиқди, дипломат эса элчихонанинг расмий вебсайтида Австралия «сиёсий ўйинлар»ни бас қилишга қаҳриқлар мезбон расмийлар билан суҳбат ҳисоботини эълон қилиш орқали жавоб берди. Май ойи бошида Хитой Австралиянинг айрим гўшт етиштирувчиларига нисбатан импорт тақиқларини жорий этди ва Австралия арпасига янги тариф қўйиш билан таҳдид қилди.

Франция Ташқи ишлар вазирлиги эса Хитой элчихонаси вебсайтида мамлакат корона-вирусга чалинган кексаларни Қариялар уйдаи ўлим тўшагида ташлаб қўяётгани айтил-

ган хабар юзасидан элчи Лу Шейни изоҳ беришга қаҳирди. Нигерия, Кения, Уганда, Гана каби давлатлар эса Хитойдаги африкаликларга нисбатан ирқчи ва ҳақоратомуз муносабат юзасидан ўтган ҳафталар давомида ўз ҳудудидagi хитойлик элчилардан изоҳ талаб қилишга мажбур бўлди. Австралиянинг собиқ Бош вазири Кевин Руд Foreign Affairs журналида Хитой ўзининг янги стратегияси учун ҳақ тўлаётгани ҳақида ёзиб

АҚШНИНГ ЯҚИНЛАШАЁТГАН ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИДА ХИТОЙ БИЛАН АЛОҚА КЕЛАЖАГИ МУҲИМ МАСАЛАГА АЙЛАНДИ, БРИТАНИЯДА ЭСА КОНСЕРВАТОРЛАР ПАРТИЯСИ ДЕПУТАТЛАРИ ХИТОЙ СИЁСАТИНИ ЯНАДА ЧУҚУРРОҚ ТЕКШИРИШГА БЕЛ БОҒЛАМОҚДА. БУНДАЙ ДИПЛОМАТИК ЗИДДИЯТ ХИТОЙ ВА ФАРБ ўртасидаги ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИБ ЮБОРДИ.

чиқди. Кевин Руднинг қўшимча қилишича, вирус тарқалиши ортидан, айниқса, Ҳиндистон, Индонезия ва Эронда аксилитой кайфияти ҳақдан зиёд кучайиб кетган ва Хитойнинг юмшоқ куч сиёсати парчаланиб кетиш хавфи остида қолмоқда. Хитойнинг дипломатик тажовузкорлиги эса Фарбда ҳам бундай кайфият янада кенг тарқалишига сабаб бўлиши, мамлакатларнинг Пекин билан алоқа қилишга иштиёқини тушириб юбориши мумкин.

АҚШнинг яқинлашаётган президентлик сайловида Хитой билан алоқа келажаги муҳим масалага айланди, Британияда эса Консерваторлар партияси депутатлари Хитой сиёсатини янада чуқурроқ текширишга бел боғламоқда. Бундай дипломатик зиддият Хитой ва Фарб ўртасидаги қарама-қаршиликни янада кучайтириб юборди. Агар АҚШ ва Хитой ҳамма нарсани четга суриб, пандемияга қарши кураш йўлида биргаликда ишламаса, уларнинг ҳамкорликда ўз иқтисодиётларини жонлантириш йўллариини излаб топишига ишонини жуда қийин. Хитойнинг «жангчи бўрилар» дипломатияси бу мақсадни амалга оширишни мушкуллаштириб юбориши ҳам мумкин.

Ҳозир Хитойга ҳам осон эмас. Биринчидан, ташқи бозорларни кўзлаган Хитой экспорти кескин тушиб кетди. Иккинчидан, гигант савдо

марказлари, улкан аэропортлар бўшаб қолди. Инфратузилма объектиларини куришга осмоноти мамлақати улкан маблағлар сарфлаган эди. Буларнинг тақдири энди нима бўлади? Боз устига, Хитой раҳбарининг «Бир макон – бир йўл» ташаббуси савол остида. Аксарият давлатлар пандемия шароитида Пекин ажратган кредитларни қайтариш масаласида оғиз ахволга тушиб қолган. Пандемия бўҳронида қандай йўл тутиш ва инқироздан кейин дунё қандай ўзгариши – ҳар икки тараф учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Савол туғилади: Хўш, кимнинг қадди бужилади? Корона-вирус инқирози оқибатида дунё иқтисоди абор ҳолатга тушади. Айнан Хитой иқтисоди қанчалик оёққа туриб кетиши – хароб аҳволдаги дунё иқтисоди ҳам ўз қаддини тутиши учун ўта муҳим. Президент Трампнинг танқидчилари эътирофича, АҚШ раҳбарияти корона-вирус таҳдиди олдида хато йўл тутди. Трамп маъмурияти бошида бу вирус хавфи жиддийлигини менсимайди.

«Авалло Америка» деган ширини қайтариб, ўз сиёсий тизими ҳаммакидан зўрлигини ургулаш билан банд бўлди. Халқаро инқирозга қарши кураш бошида тура олмади. Энди эса халқаро етакчилик мавқеи савол остига тушмоқда. АҚШ корона-вирус қаршиида хато қиларкан, Хитой ундан жуда тез хабар чиқаряпти. Корона-вирус инқирози пайти дунёда АҚШ яратган бўшлиқни Хитой тўлдирмоқда. Пандемияга қарши курашда Хитой ўзини халқаро етакчи сифатида намойн қилаётир. Аммо АҚШ ва унинг иттифоқчиларини осмоноти мамлакатининг Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Европада кучайиб бораётган таъсири, Жанубий Хитой денгизидagi қудрати хавотирга солмоқда. Шу сабабдан улар дунё миқёсида турли айбловлар билан Чинни беҳурмат қилиш, унинг ҳудудий бўлиниши ҳисобланган Гонгконгдagi вазиятни беқарорлик сари етаклаш учун «оловга мой сепмоқда». Мабодо янги «совуқ уруш» аланга олса, ундан ҳеч ким ютмайди. Чунки АҚШ ва Хитой иқтисодиёти ўзаро чамбарчас. Уларнинг рақобатидан дунёнинг бошқа «актёрлари» ҳам қон қақшайди.



Абдували СОЙИБНАЗАРОВ, шарҳловчи

Муҳокама учун мавзу

Гугуртга кетиб, қанча саргузаштларни бошдан кечирганлар бор. Бу ҳақда фильм ҳам яратилган. Фильм бош қаҳрамони Ихалайнинг битта чўпи учун бутун бошли рўзғори пароканда бўлиб кетишига бир баҳя қолганди-я...

Гугурт қутисидан нечта чўп бор?



Х, шундай. Рўзғорда битта гугурт донасининг ҳам қадри бор. Айни карантин шароитида гугурт қутиларига кўз ташлаб, эринмасдан уларни санаб чиқдим: ҳаммасида ҳар хил. Аслида гугурт қутисида ўзи неча дона чўп бўлар экан?

– Илгари бир қути гугуртда юз дона чўп бўларди, – дейди Самарқанд шаҳридаги «Мини маркет» дўкони сотувчиси Маҳмуд Растамов. – Ҳозирда ишлаб чиқарилаётган гугуртларда 32-45 атрофида чўп бор.

Нархи карантин шароитида бирданига икки баробарга ошган (илгари боғламдаги 10 қутиси 1500 сўм ҳозирда 3500 сўм) бу матоҳ, рўзғордаги энг керакли восита. Уни ишлаб чиқараётган, номли-номсиз МЧЖлар ҳам анчагина экан. Қўлимиздаги қутига кўз югуртирдик. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида: Тошкент шаҳри, Бунёд кўчаси, 37-манзил кўрсатилган. Боғламдаги 10 қутидаги гугуртнинг ҳар қутисидан 32 тадан 36 тагача чўпларни санадик. Ҳар бирининг ичида битта-иккитадан ярқис-чўпчалар ҳам бор. Мамлакатимизда бу махсулотни ишлаб чиқараётган яна бир корхона билан ҳам танишишга тўғри келди.


... Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, Боғишамол маҳалласида «MATCH-INVEST» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказилаётган гугуртлар донаси ҳар тугал бирмунча кўп. Мисол тариқасида олган ўн қутининг ҳар қутисидан 36 тадан 42 донагача чўп бор.

Гугурт қутисида ўзи қанча чўп бўлиши керак? Қизилки устун келиб хориждан импорт қилинган гугурт қутиларини ахтаришга тушдик. Бор экан. Россияники. Череповец шаҳри, Моченкова-17 манзилида «ФЕСКО» акциядорлик жамияти ишлаб чиқарган гугуртлар. Сифати анча яхши. Бироқ бу гугурт қутиларининг ичидаги доналари сони ҳам ўртача 36-45 донадан ошмайди. Аммо нархи бир хил.

Самарқанддаги бир қатор ташиқлотларга қилинган муурожаатларга ҳам жўяли жавоб бўлмади.

Россиядан келтириладиган битта балорнинг (круглык) нархи 70-90 мин сўм атрофида сотилаётган экан. Ундан эса миллиондан зиёд гугурт донаси ясаш мумкин, деган фикрни билдиришга мутахассислар.

Нега қутиларда қанча дона гугурт чўпи борлиги ёзилмаптир? Ёки бу сирмикан? Бу билан гугурт ишлаб чиқарувчилар истеъмолчилар ҳуқуқини бузмаяптими?



Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши ҳамда Қарши давлат университети касаба уюшма кўмитаси университет хорижий тиллар факультети декани Тўйчи Валиева онаси

Бибифотима ая МИНГЛИУЛОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Карантин сабоқлари



Мушоҳада

бир ёнда қаҳрамонимиз – карантин, иккинчи тарафда антагонист – коронавирус. Улар ўртасида аёвсиз жанг бошланган. Албатта, уруш йўқотиш ва қурбонларсиз кечмайди. Буни рақамлар кўрсатиб турибди. Лекин бу муҳорабанинг оқибатлари фақат рақамлардан иборат эмас.

ОДАМЛАР ҲАЁТИДА НИМАЛАР ўЗГАРДИ?

Охириги йилларда одамлар орасида меҳр-оқибат кўтарилиб кетди, биров билан бировнинг иши йўқ, ҳамма ўзи билан ўзи овоза, деган иддаолар урчиб кетганди. Лекин...

«Дўст кулфатда билинади», деганларидек, карантин орамизда кўплаб қўли очиқ яхши инсонлар борлигини кўрсатди. Синовли кунларда ҳар ким қўлдан келганича бир-бирини қўллади. Айниқса, Сардоба фожисаи халқимиз орасида саховатпеша, меҳр-оқибатли кишилар кўп эканини яққол исботлади.

Энг муҳими, карантин ортиқча сарф-харajatсиз, данғиллама тўйларсиз ҳам яшаш

мумкинлигини ўргатди. Кимўзарга ўтказиладиган тўйларга сарфланадиган маблағлар пандемия сабабли қийин вазиятда қолган инсонлар қорига яради ва шу билан исрофгарчилик ўрнини савоб амаллар эгаллади.

Қарийб 27-28 йил замон қаҳрамонини излади. Карантин бизга асл замон қаҳрамонларини танитди. Уқитувчиларни назар-писанд қилмай қўйгандик. Карантин сабабли уйда ўз боламиз билан дарс тайёрлашга мажбур бўлдик. Уларнинг инжиқликларини асабимиз кўтармагани ҳам ҳаққат. Шундай кезларда карантиннинг тезроқ тугашини истаганимиз ҳам раст. Қайсар ва эркатой фарзандларимизга матонат билан билим бераётган муаллимларга раҳмат! Шифокорларнинг меҳнатига алоҳида тасанно!

Карантин бизларга оила даврасини қайтариб берди, яқинлар дийдорини туҳфа қилди. Узимизни жилавланиш ўргана бошладик: автомобиль, чойхона, гап-гаштак, беҳуда сангишдан...

Карантинда нигоҳларни таний бошладик. Эндиликда кўзларимиз сўзлашга ўтди. Улар эса ҳеч алдамайди, ёлгонласа ҳам дарров сездириб қўяди. Демак, кишилар кўзидан маъно ўқишни ўргандик.

Карантин соғинч ҳиссини улашди. Олисидаги яқинлар, кундалик юмушлар, иш,

ўқиш ва бошқа шу каби ташвишлар соғинчи...

Энг муҳими, карантин бизларга шиддатли ҳаёт уммонида бир зум тин олиб, фикр юритиш, ҳаёт ҳақида мулоҳаза қилиб кўриш имконини берди. Одамозимон шукр қилишга ундади.

ОЙНИНГ ўН БЕШИ...

Очиғи, ҳозирги кунлар ойнинг қайси ўн беш кунлиги эканини аниқ айтиш мушкул: қоронғусини ёки ёруғи? Ёруғи десак, шунча кишининг тўшаққа миҳлангани-ю, кўнгилининг безовта қилаётган хасталик хатари ҳали қаршимизда. Қоронғусини десак, ёруғ кунлар умиддан мосуво бўлган бўламиз. Буни фақат вақт ўтибгина теранроқ мушоҳада қилиши мумкин. Лекин дилга таскин берувчи ҳақиқат шуки, ҳар бир ишда ҳикмат бор. Бошга не келса яхшиликка.

Тез кунларда корона-вирус буткул чекиниб, карантин талаблари буткул тугатилишидан умидвормиз, албатта. Бироқ карантин даврида ўзимиз учун фойдали бўлган жиҳатларга нисбатан шахсий карантинимиз давом этверсин. Токи инсоният қалбидagi, ўй-халларидagi салбий вирусларнинг бари шу карантин билан тугаб-битмагунча...

Фулмон Мирраҳмедов, «ISHONCH»



ПЕРИПЕТИЯ

Драматургиянинг ўзига хос қонуниятлари бор. Шулардан бири – перипетия. У воқеалар оқимининг кескин бурилишини англа-тади.

Айни чоғда коронавирус бутун дунё учун перипетия вазифасини ўтамоқда. У туйғулари жамият ҳаётида, кундалик юриш-туриши-мизда кескин бурилиш юз берди. Назарияга кўра, перипетиядан кейин кульминация келади. Умид қиламизки, инсоният пандемиянинг авж нуқтаси – кульминациядан ҳам ўтиб олади. Драматизмга тўла мана шундай кунларимизда эса КАРАНТИН дунёни кутқарувчи қаҳрамонга айланди!

Бу қаҳрамонни энди 7 ёшдан 70 ёшгача ҳамма яхши танийди, билади. Чунки ҳамон

Аввал-бошдан айтмоқ жоиз: Андижон шаҳрининг қоқ марказида жойлашган 1-умумтаълим мактаби ҳақида кўпчилик «наинки шаҳар, ҳатто вилоятдаги энг яхши мактаблардан бири» деган тасаввурга эга. Анча йиллар бурун шаклланган ана шу тасаввур боис мазкур русийзабон мактаб бүгун ҳам кўпгаб ота-оналарни оҳанрабодек жалб этади, юзлаб болалар 30-40 километр масофадан қатнаб таҳсил олади. Ҳар йилги ўқув мавсуми арафасида ота-оналар олис туманлардан келиб, «Боламни 1-синфга қабул қиласизми?» дея мактаб раҳбариятининг кўзига мўлтираб туради.



А долат ва а доват

тарозининг қайси палласи кўпроқ тош босмоқда?

Дарҳақиқат, Андижонда фарзандини шу мактабда ўқитишга орашманлар анчагина. Буни 1 минг 200 ўринга мўлжалланган ушбу даргоҳда 3 минг 880 нафар ўқувчи таҳсил олаётганидан ҳам билса бўлади. Ўқувчиларнинг қарийб 30 фоизини туманлардан қатнаб ўқийдиганлар ташкил этади.

чилиқ тушгани, шу туфайли 2019-2020 ўқув йилидан дарслари атайин қисқартирилиб, бор-йўғи 9 соат қолдирилганидан норози бўлмоқда.

«Мактабимизга Гуллола Тўйчиева раҳбар бўлиб келган кунларнинг бирида икки соатлик бўш вақтимдан фойдаланиб, коллежда ўқийётган қизимнинг якуний имтиҳонида қатнашишга рухсат сўраб кирдим, – дейди Гулчехра Абдулҳақимова. – Директор рухсат бериш асноси «Бу мактаб ҳақида бошқача тушунчада эдим, раҳбарликка тайинланганимда янги жамоа мени гуллар билан кутиб олади, деб ўйлагандим», дея пичинг қилди. «Аввал бирга ишлаб, гулга яраша натижа кўрсатайлик, табриклар қочмас», дедим ярим ҳазил оҳангда. Табиийки, бу гапим директорга ёқмади. Шу кундан бошлаб ўртага адоват тушди...»

Мурожаат юзасидан директор Гуллола Тўйчиева ҳам ўз фикрларини билдирди:

– Унинг иддаолари асоссиз. Устимдан ёзмаган жойи қолмади. Абдулҳақимованинг дарс соатлари билан боғлиқ масалани мен эмас, методик бирлашма ҳал қилган. Очиги, аризабозлиги иш фаолиятимга халақит берапти. Шу даргоҳга раҳбар бўлиб келганимдан буён мактабни тартибга туширдим. Яхши натижаларга эришяпмиз. Мактабда коррупцияга чек қўйдим.

Гуллола Тўйчиева билан ўтган қарийб бир ярим соатлик мулоқотда кўп гаплар гапирилди. Улар орасида ёзиб ҳам, айтиб ҳам бўлмайдиганлари бор. Аммо бир жиҳат аниқ: икки томон ҳам ўз ҳақиқатига ишонади, икки томон ҳам бир-бирдан норози.

Шунга қарамай, Гулчехра Абдулҳақимова келтираётган даъволарнинг битта ўзак нуқтаси яққол кўзга ташланмоқда. Қисқаси, ўтган ўқув йили аввалида Г.Абдулҳақимовадан олиб қўйилган 9-«Д» синфидаги дарслар бошқа бир ўқитувчи – Асила Мирзалиевага берилди. Шунга қарамай, ўтган йилнинг 10 ноябрдан то шу йилнинг 25 январига қадар – салкам уч ой давомида бирор марта бўлсин А.Мирзалиева рус тили ва адабиёти дарсларини ўтмаган. Лекин ноябрь ойидаёқ синф журнали унинг дарс ўтгани ҳақидаги маълумотлар билан олдиндан тўлдириб қўйилган. Нега?

Кейинчалик маълум бўлишича, Асила Мирзалиева бетобланиб, даволаниш учун хорижга йўл олади. Бу ҳақда на директор, на ўқув ишлари бўйича ўринбосарига хабар берилди. Қачонки орадан ойлар ўтиб, ҳолатдан Г.Абдулҳақимова воқиф бўлиб, ўзининг собиқ синфидаги аҳвол ҳақида тўс-тўполоқ кўтаргач, Мирзалиеванинг «ўз ҳисобидан таътил олиши ҳақидаги ариза»си телеграм орқали мактаб раҳбариятига юборилди. Шунда ҳам 9-«Д» синфидаги дарслар асосий вақти қарийб бўш бўлган Г.Абдулҳақимованинг эмас, бир ҳафтадан

сўнг малака ошириш курсларига юборилиши аниқ бўлган бошқа бир ўқитувчига бириктирилади. Қарабсизки, бир ҳафтадан сўнг болалар яна айни шу дарсларни ўйин-кулги билан ўтказишни бошлашади...

«Турли-туман комиссиялар билан овера бўлиб, Мирзалиеванинг салкам уч ойдири мактабга келмаганидан беҳабар қолганим рост!» (?) дейди директор.

Гап муассасада таълим олаётган болалар тақдирини устида борар экан, ўрни келганда яна бир оғриқли масалани ҳам бир шингил баён қилмасак бўлмас.

Икки ой аввал ижтимоий тармоқларда бир видеофайл тарқалди. Унда мазкур мактаб ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ҳаётхон Мақсудова ўқувчиларини доска олдига турғизиб, бирма-бир пул йиғаётгани акс этган. Тасвирлардан англашишича, синфда дарсга кеч қолганлардан 2 минг сўмдан, дарс қолдирганлардан эса ҳар бир кун учун 10 минг сўмдан (!) жарима йиғилар экан. Камига, сабоқ вақтида ўқувчиларга ўқитувчининг кўллари, елкаларини уқалаш мажбурияти ҳам юклатиларканки, видео-далилларида бу иддаоларнинг исботи акс этиб турибди.

Оғриқ тишлар...

Бу гап-сўзлар шов-шув бўлган кезлардаёқ Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси раҳбарияти мактабга келиб, ҳолатни ўрганди ҳамда дарҳол ўқитувчи Ҳ. Мақсудова ишдан олинди. Ортидан директор Г. Тўйчиева ҳам ўз аризасига биноан вазифасидан озод этилгани айтилди, аммо орадан икки ой ўтар-ўтмас – сувлар тиниб, шовқинлар босилгач, яна лавозимига қайтарилди.

Энди яна асосий гапга қайтсак.

«Гарчи адоват борасидаги даъволарни мактаб директори таги пуч иддаолар деб атаган бўлса-да, юз берган воқеликлар, хусусан, бир синфда ойлар давомида дарс ўтилмаётганига қарамай, Г. Абдулҳақимованинг имкон қадар талаб қилаётган дарс соатларининг берилмаслиги арзғуи эътирозларини қувватлаётгандай...»

Тўғри, иссиқ жон – ҳеч ким хасталиқдан кафолатланмаган, шу маънода А.Мирзалиеванинг саломатлиги ҳақида қайғуришни тушуниш зарур. Бироқ тартиб-таомилга ҳамма амал қилиши керак эмасми? Директорнинг бир ўқитувчи салкам уч ой давомида мактабга келмасаню, унинг турли синфларда ҳафталик 28 соат дарси борлиги инobatта олинмас, унга иш ҳақи ёзилаётганидан беҳабар қолиши ишониб бўлмайдиган важ. Бу ҳолатда ўз-ўзидан раҳбар ё ёлгон гапиряпти ёки ўта масъулиятсиз деган хулоса келиб чиқади.

Афтидан, мактабда амалга оширилган ишлардан кўра, амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар кўпроққа ўхшайди. Ҳар ҳолда, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчисининг ўқувчилардан кунлик жарима ундириши Г.Тўйчиеванинг «коррупцияга барҳам бердим!» деган гапларини шубҳа остига қўймоқда.

Хуллас, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси раҳбарияти эса дўппини бошдан олиб, айни муассасадаги вазият ва мувоzanатни ҳар тарафлама жиддий кўриб чиқиши зарур. Айни кунлардаги таътил бунинг учун етарли фурсат.

Нурилло НЎЪМОМОВ,
«ISHONCH»



«Хўш, зикр этилаётган мактабда таълим-тарбия жараёни чиндан-да шу қадар ҳавас қилгуликми? Мактаб ўқитувчиси Гулчехра Абдулҳақимованинг мурожаати ортидан кўзга ташланган айрим манзаралар жамоатчиликда шаклланган ана шу ижобий фикрни йўққа чиқарадиганга ўхшаб турибди.»

Хўш, Гулчехра Абдулҳақимова ким? У нимадан норози?

Гулчехра Абдулҳақимова – рус тили ўқитувчиси. 2008 йили 1-мактабга руҳшунос вазифасига ишга қабул қилинган. 2010 йилда бу вазифадан озод этилиб, шу кунгача русий забон синфларда рус тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келади.

Г. Абдулҳақимова икки йил аввал мактабга Гуллола Тўйчиева директор этиб тайинлангач, арзимас сабаб билан раҳбар ва ходимнинг ўртасига совуқ-

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

Мамлакатимиз кимё саноати корхоналарида меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган касб байрами билан самимий муборакбод этади!
Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилинган 2020 йилда Ватанамиз тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири – кимё саноатини ривожлантиришда соҳа ходимларига, олимларга, мутахассис-у муҳандисларга заҳматли фаолиятида муваффақиятлар ёр бўлсин!



Табрик

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Милитет ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Милитет ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.
772010500004

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),
Улғабек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),

Меҳридин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўйинлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўшқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Хўдудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Қорғиз вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Ҳ.Норбоев
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 22:00
Топширилди – 01:30

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Бўғирма Г – 517.
30062 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «protoka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТПР: 201133889,
ОКЭД: 58130